



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ РАЁСАТИ**

ҚАРОРИ

Олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ўртасида “Заковат” республика интеллектуал турнирини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2019 йил 7 ноябрдаги 25445-хҳ-сонли топшириқ хати билан юборилган “2019-2020 ўқув йилида олий таълим муассасаларида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш қаратилган “Маърифатли ёшлар – юрт кўзгуси” шиори остида туркум маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш бўйича намунавий “Йўл харитаси” ижроси юзасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Назорат режаси”нинг ижросини таъминлаш ҳамда олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабаларни амалга оширилган ислохотлар, ўзгаришлар ва эришилган ютуқлар бўйича билимлари даражасини аниқлаш, назарий билимларини ҳаётга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш, уларга ўз иқтидорларини намойиш этиш учун имконият яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2020 йилдан бошлаб ҳар йили олий таълим муассасалари талабаларининг билимлари даражасини аниқлаш, назарий билимларини ҳаётга татбиқ этиш кўникмаларини шакллантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида “Заковат” интеллектуал республика турнири ўтказилсин.

2. “Заковат” интеллектуал республика турнирини ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом 1-иловага, танловни ўтказиш бўйича Ташкилий ишчи гуруҳ таркиби 2-иловага, чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Заковат” интеллектуал республика турнирини ташкил этиш ва ўтказишга масъул ташкилотчиларнинг фаолияти Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мувофиқлаштириб борилиши белгилансин.

4. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мазкур қарорни ўн кунлик муддатда барча манфаатдор ташкилотларга етказилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Б.Шермухаммадов, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари А.Жумабоев, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Б.Махмадалиев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазири
И.Малжидов
2020 йил 12 февраль
14-сон

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи
Марказий Кенгаши
раиси
А.Саъдуллаев
2020 йил 12 февраль
54-сон

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси
ЎЗКУФ
ФПУЗ
К.Графиков
2020 йил 12 февраль
18-14е²сон



Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши Раёсатининг

2020 йил 12.02 даги 14-қб 54-кк 18-қс^н-сонли
қарорига 1-илова

Олий таълим муассасаларининг талаба-ёшлари ўртасида ўтказиладиган “Заковат” интеллектуал турнири НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом олий таълим муассасасларида таҳсил олувчи талаба-ёшлар ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини (бундан кейинги ўринларда “Турнир” деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

II. Турнирнинг мақсад ва вазифалари

2. Турнир мамлакатимизда амалга оширалаётган кенг қўламли ислохотларда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга ошириш ҳамда уларга ўз иқтидорларини намоёйиш этиш учун имконият яратиш ҳамда уларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилади.

III. Турнирни ташкил этиш ва ўтказиш

3. Турнирда Республикадаги олий таълим муассасаларининг талаба-ёшларидан ташкил топган жамоалар, шунингдек, турнирда қатнашиш истагини билдирган бошқа вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари ва уюшмаган ёшлар томонидан шакллантирилган жамоалар ҳам иштирок этишлари мумкин.

4. Турнирни ташкил этиш ва уни ўтказиш масъул ташкилотларнинг вакилларидан шакллантирилган Ташкилий ишчи гуруҳ зиммасига юклатилади.

5. Худудларда турнирни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳ таркибига худуддаги олий таълим муассасалари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи худудий кенгашлари ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг худудий бўлинмаларидан масъул ходимлар киритилади.

6. Турнирнинг якуний республика босқичи бўлиб ўтадиган жойи ва санаси республика Ташкилий ишчи гуруҳи томонидан белгиланади ва 15 кун олдин худудий босқичларда ғолиб бўлган олий таълим муассасаларига маълум қилинади. Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ўтказиладиган “Заковат” интеллектуал турнири жамоавий мусобақа бўлиб, унда жамоалар белгиланган вақт доирасида мантиқий саволларга жавоб бериш бўйича мусобақалашади. Турнир давомида жамоаларнинг мақсади рақибларга қараганда кўпроқ саволларга жавоб беришдир.

7. Турнир ташкилотчилари: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, вазирлик ҳузуридаги

“Маънавият ва маърифат” маркази, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, “Заковат” интеллектуал клуби.

IV. Турнирда иштирок этувчи жамоалар

8. Турнирда ўз аризасини топширган ва 7 нафардан (1 нафари захира) иборат таркибдаги барча олий таълим муассасалари талаба-ёшлари иштирок этиши мумкин.

9. Турнирда университетлар, институтлар, академиялар, уларнинг бошқа ҳудуддаги филиаллари ҳамда Ўзбекистон Республикасида расман рўйхатдан ўтган хорижий олий таълим муассасалари филиалларининг жамоалари иштирок этиши мумкин.

10. Турнирда иштирок этишни истаган олий таълим муассасалари жорий йил февраль ойининг иккинчи ун кунлигига қадар Республика ташкилий ишчи гуруҳи номига ариза ҳамда жамоа таркиби ва мураббийи ҳақидаги маълумотларни (1-илова)га мувофиқ mm.markaz@edu.uz, телеграм [+998909580503](https://t.me/+998909580503) электрон манзилига юборишлари лозим.

11. Ариза ва жамоалар таркиби олий таълим муассасалари ректорлари ёки проректорлари томонидан имзолаган ҳамда муҳр билан тасдиқланган кўринишда PDF ҳамда WORD форматда юборилиши лозим. Файл номи ҳамда хат мавзусига олий таълим муассасалари номи кўрсатилиши керак.

12. Жамоа таркибига киритилган талаба-ёшларнинг ҳақиқатдан шу олий таълим муассасасида таҳсил олиши муассаса маъмурияти томонидан қафолатланиши лозим. Агар жамоа таркибига киритилган иштирокчи ушбу олий таълим муассасаси талабаси эмаслиги маълум бўлса, унда жамоа турнирдан четлатилади.

13. Жамоа таркибига бакалавриятнинг кундузги шаклида ҳамда магистратурада таҳсил олаётган талаба-ёшлар киритилиши мумкин.

14. Жамоа аъзолари турнирда иштирок этиш учун паспорт (ёки нусхаси) ҳамда талабалик гувоҳномасини (ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжат) бевосита ташкилий ишчи гуруҳга кўрсатиши шарт. Ушбу ҳужжатлар тақдим этилмаса, иштирокчи турнирга қўйилмайди.

15. Турнир давомида жамоанинг асосий таркибида 7 нафар (1 нафар захира) иштирокчи катнашиши мумкин. Ҳар бир тур яқунлангач, жамоа аъзолари ўзгартирилиши мумкин. Бу ҳақида ташкилий ишчи гуруҳни огоҳлантириш лозим.

16. Минтақавий саралаш босқичидан муваффақиятли ўтиб, Республика босқичига йўл олган жамоалар ўз таркибини ўзгартиришлари мумкин. Бу ҳақида ташкилий ишчи гуруҳни mm.markaz@edu.uz, телеграм [+998909580503](https://t.me/+998909580503) электрон манзилларига хабар юбориш орқали огоҳлантириш лозим бўлади.

V. Турнирни ўтказиш тартиби

17. Турнир 4 босқичда ўтказилади:

1-босқич – Олий таълим муассасалари факультетлари ўртасида, февраль ойида;

2-босқич – Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари ўртасида (саралаш) босқичи, март ойининг иккинчи ўн кунлигида;

3-босқич – Минтақавий саралаш босқичи, март ойининг учинчи ўн кунлигида;

4-босқич – Республика босқичи, апрель ойида ўтказилади.

18. Минтақавий саралаш босқичида республика бўйлаб 5 та минтақа доирасида жамоалар ўзаро куч синашади. Булар қуйидагилар:

1-минтақа – Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари олий таълим муассасалари жамоалари;

2-минтақа – Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари олий таълим муассасалари жамоалари;

3-минтақа – Фарғона, Андижон, Наманган вилоятлари олий таълим муассасалари жамоалари;

4-минтақа - Жиззах, Сирдарё ҳамда Тошкент вилоятлари олий таълим муассасалари жамоалари;

5-минтақа – Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасалари жамоалари.

19. Тошкент шаҳри минтақасида ўтказилган саралаш босқичида дастлабки 5 та ўрин, қолган ҳар бир минтақавий саралаш босқичида 1-ўринни эгаллаган жамоа республика босқичига йўлланмани қўлга киритади.

20. Республика босқичи Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади ва унда 9 та жамоа иштирок этади.

21. Турнирнинг минтақавий босқичини ўтиш саналари ва жойи 2-иловага мувофиқ ташкил этилади.

VI. Савол-жавоб жараёни

22. Жамоаларга 1-2-3-босқичда жами 36 тадан (12 та саволдан 3 та тур) савол, республика босқичида жами 45 та савол (15 тадан 3 та тур) берилади.

23. Саволлар ўзбек тилида, мантиқий мазмунга эга, “Нима? Қаерда? Қачон?” ўйинларининг халқаро стандартларига жавоб берадиган кўринишда бўлади.

24. Жамоаларга бир пайтда бир хил савол берилади, жамоалар ўз жавобларини махсус жавоб бланкларига ёзиб беришлари лозим бўлади. Махсус жавоб бланklarининг юқори қисмида албатта жамоа номи, тур ва савол рақами кўрсатилиши керак. Ушбу маълумотлар ҳамда жамоанинг жавоб варианти махсус жавоб бланкининг бир томонида бўлиши керак.

25. Ҳар бир саволни ўйлаш учун 1 дақиқа вақт берилади. Бошловчи 50 сония бўлганда вақт тугашига 10 сония қолгани ҳақида огоҳлантиради.

26. 1 дақиқа вақт тугагач, жамоалар ўз жавобларини махсус жавоб бланкларига ёзишлари учун яна қўшимча 10 сония берилади. Бунда бошловчи 10 дан 1 гача овоз чиқариб санайди.

27. Жамоалар савол берилиб, “вақт кетди” ишораси билдирилган сўнг жами 1 дақиқаю 10 сония ичида жавоб вариантларини ёзиб, махсус жавоб бланкни баланд кўтарган ҳолда туришлари лозим.

28. Жамоаларнинг жавоб вариантлари олдиндан махсус тайинланган секундантлар томонидан йиғиб олинади ва ҳисоб-комиссиясига топширилади. Жавоб бланklarини жамоа аъзолари томонидан мустақил олиб келинишига йўл қўйилмайди.

29. Ўз вақтида жавоб бланкини кўтаришга улгурмаган жамоанинг жавоби қабул қилинмайди. Бунда жамоанинг жавоби гарчи тўғри бўлса ҳам, балл

берилмайди. Кечиккан жамоанинг жавоб бланкига кечикканлиги тўғрисида махсус белги қўйилади.

30. Жавоб варианти тушунарли хусниҳат билан ёзилган бўлиши ва аниқ жавобни кўзлаши лозим. Мантикий тугалланмаган жавоб варианти қабул қилинмайди.

31. Жавоб бланкида фақат 1 та жавоб варианти акс этиши лозим. Икки ёки ундан ортиқ вариант ёзилган жавоб вариантлари, гарчи улардан бири тўғри бўлса ҳам, қабул қилинмайди ва жамоага балл берилмайди.

32. Устига чизилган, устидан бўялган ёки қавсга олинган жавоб вариантлари ҳисобга олинмайди. Масалан, саволнинг тўғри жавоби “Қулф ва калит” дейлик. Бундай вазиятда жамоа жавоб бланкига “қулф” сўзини ёзди ва қавс ичида “(калит)” дея қўшиб қўйди. Бундай ҳолатда жамоанинг жавоби аниқ жавоб сифатида қабул қилинмайди ва балл берилмайди.

33. Жамоалар турнир давомида қўшимча манбалардан (телефон, планшет, шпаргалка ва ҳ.к.) фойдаланиши тақиқланади. Кузатувчилар томонидан бундай ҳолат аниқланган тақдирда жамоа аъзолари тўлиқ таркиби билан турнирдан четлатилади ва уларнинг барча баллари бекор қилинади.

34. Жамоа аъзолари саволларга жавоб излаш жараёнида уларга четда турган томошабинлар ёки бошқа шахслар томонидан жавоб вариантларини айтиш қатъиян тақиқланади. Кузатувчилар томонидан бундай ҳолат аниқланган тақдирда жавоб вариантини айтишга уринган томошабин турнир ўтаётган бино ҳудудидан чиқариб юборилади, жавоб варианти айtilган жамоанинг эса ушбу савол учун берган жавоби қабул қилинмайди.

35. Савол-жавоблар ўйналаётган жараёнда жамоа аъзоларининг ўрнидан туриши, жой алмашиши, бошқа жамоа вакиллари ёки бошқа шахслар билан гаплашиши, баланд овозда, бошқаларга халакит берадиган даражада шовкин қилиши ва ўйин жараёнига оид бўлмаган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиши тақиқланади, фавқулодда ҳолатлар бундан мустасно. Бундай ҳолат аниқланган тақдирда жамоага огоҳлантириш берилиши ёки 1 баллдан 3 баллгача жарима балли ушлаб қолиниши мумкин. Агар огоҳлантириш ва жарима балларидан кейин ҳам ушбу ҳолат такрорланаверса, жамоа турнирдан четлатилади ва уларнинг барча очколари бекор қилинади.

VII. Ғолибни аниқлаш тартиби

36. Ҳар бир саволга бир баллдан берилади. Турнирда энг кўп балл олган жамоалар ғолиб сифатида топилади. Бунда жамоаларнинг апелляция натижасида олган баллари ҳам инобатга олинади.

37. Агар совринли ўринлар учун икки ёки ундан ортиқ жамоалар бир хил балл олса, унда улар ўртасида биринчи тўғри-нотўғри жавобгача қўшимча саволлар берилади. Совринли ўринларга даъвогарлик қилмайдиган бир нечта жамоалар ўртасида қўшимча ўйин ўтказилмайди.

VIII. Апелляция тартиби

38. Турнирда юзага келадиган баҳсли вазиятларни ҳал қилиш учун Ташкилий ишчи гуруҳи таркибида Апелляция ҳайъати (кейинги ўринларда – АҲ) ташкил этилади.

39. Турнир якунида жамоалар натижалари эълон қилинган жамоалар АҲга мурожаат билан чиқиши мумкин. Турлар ўртасида ёки турнир давомида апелляция беришга йўл қўйилмайди.

40. Қуйидаги мазмундаги апелляциялар қабул қилинади:

1) жавобни тўғри деб ҳисоблаш бўйича апелляция – жамоанинг ҳисоб комиссияси балл бермаган савол(лар)га берган жавобини ҳисоблаш учун қилган мурожаати;

2) саволни нотўғри деб ҳисоблаш бўйича апелляция – жамоанинг савол матнида ёки жавобда **фактик** хатолар борлиги учун саволни ҳисобдан чиқариш тўғрисида қилган мурожаати.

3) бошқа мазмунда берилган апелляциялар (масалан, бошқа жамоаларнинг жавобини ҳисоблаш ёки ҳисобламаслик бўйича) қабул қилинмайди.

41. Апелляциялар фақат жамоа сардорлари томонидан 3-иловада кўрсатилган ариза асосида ёзма равишда берилади. Ариза матни ташкилий кўмита томонидан талаб қилинган жамоаларга тарқатилади.

42. Тур ўрталарида ҳамда турнир якунланган экранда жамоаларнинг барча натижалари эълон қилинади. Шунга қўра, жамоа сардорлари айнан қайси турнирнинг қайси саволига берилган жавоб варианты қабул қилинмаганлигини аризасида аниқ кўрсатиб, мурожаат қилинади.

43. Апелляция бериш учун жамоадан 2 ёки ундан ортиқ вакилнинг АҲ олдига келиши, яқинлашиши, апелляция жараёнига арилиши қатъиян ман этилади. Ушбу ҳолатлар аниқланиши билан жамоа апелляция бериш ҳуқуқидан мутлақо маҳрум этилади ва шу ҳолат юз бергунгача апелляция натижасида ҳисобланган баллари ҳам бекор қилинади.

44. Апелляция махсус тайинланган АҲ томонидан кўриб чиқилади. Ушбу жараёнга бошқа шахсларнинг аралашishi тақиқланади.

45. АҲ 5 нафар аъзо ва 1 нафар котибдан иборат бўлади. АҲ котиби овоз бериш ва муҳокамада қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. У АҲ қарорининг расмийлаштирилишига ёрдам беради.

46. АҲ очик овоз бериш йўли орқали қарор қабул қилади. Бунда оддий кўпчилик овоз қондаси амал қилади. Яъни 5 кишидан 3 киши “ха”, 2 киши “йўқ” деб овоз берган бўлса, унда ўша жавоб қабул қилинади ёки аксинча. АҲ аъзолари бетараф қолиши мумкин эмас.

47. Агар саволнинг нотўғрилиги учун апелляция тушмаган бўлса, унда АҲ саволни ўз ташаббуси билан ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга эмас.

48. Агар АҲ қарори натижасида нотўғри савол ҳисобдан чиқарилса, унда ўша савол учун барча жамоаларнинг баллари бекор қилинади ва ўша савол бўйича апелляциялар ҳам кўриб чиқилмайди.

49. Жавобни тўғри деб ҳисоблаш бўйича апелляция келиб тушмаган бўлса ҳам, АҲ худди шу савол бўйича берилган бошқа апелляция натижасида жамоаларга балл ёзиши мумкин. Масалан, саволнинг тўғри жавоби “чистон”. Бир жамоа “шеърый топишмоқ” деган қабул қилинмаган жавоб вариантга апелляция берди. АҲ томонидан ушбу жавоб варианты тўғри дея қабул қилинди ва жамоага балл берилди. Бундай вазиятда апелляция берган ёки бермаганидан қатъи назар, “шеърый топишмоқ” вариантини ёзган барча жамоаларга балл тақдим этилади.

50. Апелляцияни кўриб чиқиш жараёнида аниқлаштириш учун интернет воситалари ёки бошқа манбалардан фойдаланиш мумкин.

IX. Ғолибларни тақдирлаш

51. Турнирнинг 1-босқичида ўтказилган интеллектуал турнирда иштирок этган барча жамоаларга махсус сертификатлар топширилади.

52. Турнирнинг 2-босқичида ғолиб бўлган жамоаларга диплом ва фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари топширилади.

53. Турнирнинг минтакавий 3-босқичи орқали Республика босқичига йўлланмани қўлга киритган жамоа аъзолари диплом ва фахрий ёрликлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланади.

54. Республика босқичида ғолиб бўлган биринчи ўринни қўлга киритган жамоа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, иккинчи ўринни қўлга киритган жамоа Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ва учинчи ўринни қўлга киритган жамоа Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан эсдалик совғалари ҳамда дипломлар билан тақдирланади.

X. Ташкилий ишчи гуруҳ ва ҳисоб-комиссияси

55. Турнирни савияли ўтказиш мақсадида ташкилий ишчи гуруҳ шакллантирилади.

56. Ташкилий ишчи гуруҳга қуйидаги вазифалар юклатилади:

- турнирни сифатли саволлар билан таъминлаш;
- саволларнинг махфийлигини кафолатлаш;
- турнирдаги форс-мажор ҳолатларини одилona баҳолаш;
- турнир Низомига бўйсунмаган жамоаларни қоида бўйича жазолаш ҳуқуқига эга бўлади.

57. Турнирда жамоалар томонидан берилган жавоб вариантларини ҳисоблаш мақсадида ҳисоб-комиссияси ташкил этилади.

58. Ҳисоб-комиссияси жамоа томонидан берилган жавоб вариантини аниқ жавобга тўғри ёки нотўғри эканлигини мустақил баҳолаб, жамоага балл бериш масаласини ҳал қилади ва турнир натижалари ҳисобини олиб боради.

59. Ҳисоб-комиссиясининг қарори апелляция натижасида ўзгартирилиши мумкин.

XI. Яқуний қоидалар

60. Турнир давомида мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳолатлар юз берса, бундай ҳолатлар ташкилий ишчи гуруҳ томонидан ижтимоий адолат нуқтаи назаридан ҳал этилади.

61. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Республика ишчи гуруҳи томонидан киритилиши мумкин. Бу ҳақида турнир бошлангунга қадар барча жамоалар огоҳлантирилиши керак.

**Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Заковат” интеллектуал
ўйини турнирини Ташкилий ишчи гуруҳига
А Р И З А**

**“Заковат” турнирида Олий таълим муассасаси номидан қуйидаги
таркибдаги жамоа иштирок этишини маълум қиламан:**

№	Ф.И.Ш.	Ким сифатида қатнашади	Факультет/босқичи (мураббий лавозими ва тел.)	Туғилган йили
1.		Жамоа сардори		
2.		Жамоа аъзоси		
3.		Жамоа аъзоси		
4.		Жамоа аъзоси		
5.		Жамоа аъзоси		
6.		Жамоа аъзоси		
7.		Жамоа аъзоси		
8.		Жамоа мураббийи		

Имзо

Ф.И.Ш.

Олий таълим муассасаси ректори _____

**Олий таълим муассасаларининг талаба-ёшлари ўртасида ўтказиладиган
“Заковат” интеллектуал турнири минтақавий босқичини ўтказиш
ЖАДВАЛИ**

№	Худудлар номи	ОТМлар сони	Жамоалар сони	Талабалар сони	Жойи ва санаси	
1.	Самарканд	7	3	21	Самарканд шаҳри 2020 йил 23 март Масъул Самарканд давлат университети	
2.	Қашқадарё	3				
3.	Сурхондарё	5				
4.	Қорақалпоғистон	6	4	28	Бухоро шаҳри 25 март Масъул Бухоро давлат университети	
5.	Бухоро	4				
6.	Навоий	2				
7.	Хоразм	3				
8.	Фарғона	6	3	21	Фарғона шаҳри 27 март Масъул Фарғона давлат университети	
9.	Андижон	4				
10.	Наманган	3				
11.	Жиззах	2	3	21	Тошкент вилояти 30 март Масъул Чирчиқ давлат педагогика институти	
12.	Тошкент вилояти	4				
13.	Сирдарё	1				
14	Тошкент шаҳри					
	ЎзМУ, ТДШИ, ТДТУ, ТАҚИ, ТТЕСИ, ЎзДЖТУ, ТАЙЛҚЭИ	7	7	49	1- апрель	Масъул ОЎМТВ хузуридаги Маънавият ва маърифат маркази кошидаги Талабалар медиа ижтимоий фаолият ва маданий дам олиш маскани 1-2-3-4-6 апрель
	ТМИ, ТКТИ, ТДИУ,ТДПУ, ТТА, ЎзХИА, ТПТИ	7	7	49	2- апрель	
	ТошФарми, ЎзДСМИ, ТИҚХММИ,ТДРХОМ, ТДАУ, ЎзДК, ЖИДУ,	7	7	49	3- апрель	
	МРДИ, ТАТУ, ТДЮУ, ТТЙТМИ, ТДЎАУ, ТДСИ, ЎзЖОКУ	7	7	49	4- апрель	
	Г.В.Плеханов номли РИУ Тошкент фил, Тошкент ХВУ, М.В.Ломоносов ном. МДУ Тошкент фил, И.М.Губкин ном. РДНГУ ТФ, Тошкент шах. СМРИ, Тошкент шах. Инха Унв, Турин ПУ Тошкент фил	7	7	49	6- апрель	
	ЖАМИ	85	48	336		

АПЕЛЛЯЦИЯ АРИЗАСИ

апелляция	
Тур рақами	
Савол рақами	
Апелляция мазмуни	<input type="checkbox"/> жавобни тўғри деб ҳисоблаш <input type="checkbox"/> саволни нотўғри деб ҳисоблаш
Апелляция ҳайъати ҳулосаси	<input type="checkbox"/> инобатга олинди <input type="checkbox"/> рад қилинди

Ф.И.Ш.

Имзо

Жамоа сардори




Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси
Кенгаши Раёсатининг
2020 йил 12.02 даги 14-1/к 54-55, 18-14е" сонли
қарорига 2-илова

**Олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ўртасида
“Заковат” интеллектуал республика турнирини ўтказиш бўйича
Ташкилий ишчи гуруҳ таркиби***

Т/р	Фамилияси ва исми	Иш жойи ва лавозими
1	Б.Шермухаммадов	Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари, Ташкилий ишчи гуруҳ раиси
2.	О.Базаров	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи, аъзо
3.	О.Худайназаров	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази директори, аъзо
4.	Д.Каттаханова	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, аъзо
5.	Р.Карабаев	Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, аъзо
6.	Ш.Раҳмонов	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, аъзо
7.	А.Сатторов	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази ходими, Ташкилий ишчи гуруҳ котиби

**Изоҳ: Ташкилий ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг ўрнига тайинланган шахс лавозимга кўра ташкилий ишчи гуруҳ таркибига киритилади.*



Олий таълим муассасалари талаба-ёшлари ўртасида “Заковат” республика интеллектуал турнирини ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар РЕЖАСИ

т/с	Бажариладиган ишлар	Амалга ошириш механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочилар
1.	Ташкилий ишчи гуруҳнинг йиғилишини ўтказиш ва масъул вазирлик, идора ва ташкилотларнинг кўйи тизимларига кўйи тизимларига йиғилиш баёнини етказиш	Республикадаги барча олий таълим муассасалари, масъул вазирлик, идора ва ташкилотларнинг кўйи тизимларига Ташкилий ишчи гуруҳининг йиғилиш баёни етказилади	январь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, вазирлик хузуридаги Маънавият ва маърифат маркази
2.	Турнирга ёшларни кенг жалб қилиш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали эълон бериш	Эълон матни тайёрланиб марказий ва худудий телерадиоканалларда, масъул ташкилотлар ҳамда олий таълим муассасалари Веб-сайтлари орқали тарғиб этилади	февраль	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, вазирлик хузуридаги Маънавият ва маърифат маркази, МТРК
3.	Турнирда иштирок этадиган жамоалар рўйхатини шакллантириш	Ҳар бир таълим муассасаларидан танловда иштирок этадиган жамоалар рўйхатлари шакллантирилади	февраль	Ташкилий ишчи гуруҳ, олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорлари
	Олий таълим муассасаларида турнирнинг биринчи босқичини ўтказиш	Низомда белгиланган тартибда республика олий таълим муассасалари факультетлари ўртасида турнирнинг биринчи босқичи ўтказилади	февраль	Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорлари
4.	Турнирнинг саралаш босқичини ўтказиш	Низомда белгиланган тартибда республика олий таълим муассасалари талабалари ўртасида турнирнинг саралаш босқичи ўтказилади	март	Ташкилий ишчи гуруҳ, олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорлари
5.	Турнирнинг худудий босқичини	Низомда белгиланган тартибда олий	март	Ташкилий ишчи гуруҳ,

	ўтказиш	таълим муассасалари талабалари ўртасида турнирнинг худудий босқичи ўтказилади	таълим муассасалари талабалари ўртасида турнирнинг худудий босқичи ўтказилади	олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорлари
6.	Турнирнинг худудий босқичида ғолиб бўлган талабалар жамоалари ҳақидаги маълумотларни республика Ташкилий ишчи гуруҳига такдим этиш	Худудий ташкилий ишчи гуруҳлар томонидан турнирда ғолиб бўлган жамоалар ҳақида маълумотлар республика Ташкилий ишчи гуруҳига такдим этилади	Худудий босқичда ғолиб бўлган олий таълим муассасалари ўз жамоаларини турнирнинг Республика босқичи ўтказиладиган манзилга етиб келишлари ҳамда фаол иштирокини таъминлайди	Ташкилий ишчи гуруҳ, олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорлари
7.	Турнирнинг республика босқичини ўтказиш	Худудий босқичда ғолиб бўлган олий таълим муассасалари ўз жамоаларини турнирнинг Республика босқичи ўтказиладиган манзилга етиб келишлари ҳамда фаол иштирокини таъминлайди	Худудий босқичда ғолиб бўлган олий таълим муассасалари ўз жамоаларини турнирнинг Республика босқичи ўтказиладиган манзилга етиб келишлари ҳамда фаол иштирокини таъминлайди	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, вазирлик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази
8.	Турнирнинг ғолиб ва фаол иштирокчиларини тақдирлаш	Турнирда ғолиб бўлган жамоалар масъул ташкилотлар томонидан тантанали равишда тақдирланади	Турнирда ғолиб бўлган жамоалар масъул ташкилотлар томонидан тантанали равишда тақдирланади	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, вазирлик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази
9.	Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Заковат” турнири оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этиш	Марказий ва худудий телерадио каналлар, республика ва маҳаллий газеталар ҳамда олий таълим муассасалари Веб-сайтлари орқали турнир ёритилиб борилади	Марказий ва худудий телерадио каналлар, республика ва маҳаллий газеталар ҳамда олий таълим муассасалари Веб-сайтлари орқали турнир ёритилиб борилади	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, вазирлик ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази